Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 16-avgust, shanba № 99 (3448)

Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, қут-барака ҳукмрон бўлган жойларни тасаввур қилади.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 2014 йил 19-20 август кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Хитой раҳбарияти билан учрашувлар чоғида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи муҳокама этилиб, Ўзбекистон ва ХХР ўртасидаги стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари бўйича атрофлича фикр алмашилади. Томонлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб масалаларни ҳам кўриб чиқадилар.

Олий даражадаги музокаралар якунида Қўшма декларация қабул қилиш, Ўзбекистон ва Хитойнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини изчил ривожлантиришга қаратилган ҳукуматлараро ва бошқа қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

«Соғлом оила» шиори остида

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан буён оила асосларини мустаҳкамлаш, уни иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида изчил ислоҳотлар амалга ошириб келинаётир. Муболаға эмас, оиланинг фаровонлиги ота-она ва фарзандининг маънан ва жисмонан саломатлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Соғлом турмуш тарзига ошно тутинган оила доимо мустаҳкам бўлади.

Озод элда фараҳли дамлар

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган кўплаб тадбирлар уюштириб келинмоқда. Бунда спортнинг ўрни бўлакча. Касаба уюшмалари тизимида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида кўплаб мусобақалар, веломарофонлар ташкил этиш анъанага айланган. Қолаверса, барча корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқариш гимнастикасини амалиётга кенг жорий қилиш тадбирлари кўрилмоқда.

Кейинги йилларда шаклланаётган ва кенг жамоатчилик томонидан эътироф қилинаётган мусобақалардан бири — оилавий спорт мусобақалари.

Ҳар қандай анъана, аввало, оилада шаклланади. Спортсевар ота-онанинг фарзандлари ҳам соғлом турмуш тарзи тамойилларига амал қилади. Шу маънода оилавий спорт мусобақалари муқаддас қўрғонларимизда соғлом авлод камолга етишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Куни кеча «Соғлом оила» шиори остидаги республика мусобақасининг финал босқичи Урганч шаҳрида бўлиб ўтди. Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Лола Холмўминова, Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Равшан Жабборов, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди вилоят филиали раҳбари Наргиза Шарипова ва бошқалар сўзга чиқди.

Урганч транспорт коллежи мусобақаларга мезбонлик қилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятларининг ота, она ва фарзанддан иборат энг кучли оилавий жамоалари саккиз шарт бўйича ўзаро баҳс юритди. Иштирокчилардаги кўтаринки кайфият, байрамона руҳ мухлисларга ҳам кўчди.

(Давоми 4-саҳифада).

Мустақилликнинг 23 йиллигига

Шу кунларда мустақиллигимизнинг 23 йиллиги байрами руҳи билан яшамоқдамиз. Энг улуғ, энг азиз айём арафасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Улардан бири Гулистон шаҳридаги 1-сонли мусиқа ва санъат мактабида ташкил этилди.

БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева иштирок этиб, қатнашчиларни байрам билан табриклади. Юртимиз ривожи, халқимиз фаровонлигининг бош омили бўлган мустақиллик берган неъматлар, ўтган даврда барча соҳаларда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, ислоҳотлар самараси фахр-ифтихор билан таъкидлаб ўтилди. Шундан сўнг вилоятда истиқомат қилаётган 136 нафар аёлга байрам туҳфаси сифатида уй юмушларини енгиллатувчи электр маиший техника жиҳозлари — кир ювиш машиналари, микротўлқинли печлар, чангютгичлар топширилди.

— Гулистон шаҳридаги «Фарҳод» маҳалласида яшайман, — дея ташаккурини изҳор этди Моҳидил Ботирова. — Энг улуғ байрамимиз муносабати билан бизга кўрсатилган эътибордан бошимиз кўкка етди. Озод ва обод диёрда яшаётганимиздан ғоятда бахтиёрмиз.

Тадбир давомида меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатаётган фаол ва ташаббускор инсонлар ҳам муносиб тақдирланди. Хусусан, Сирдарё ИЭС диспетчери Гулзора Турдимуродова ҳамда Агробанк ходимаси Матлуба Қурбоновага «Умид гулшани» санаторийсига имтиёзли йўлланма топширилди.

Хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилалари ҳам эътибордан четда қолмади. Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари учун уларнинг яқинларига ташаккур изҳор этилиб, манзилли ёрдам кўрсатилди.

Таъкидлаш жоиз, ёшлар масаласи ҳам касаба уюшмаларининг доимий эътиборидадир. Тадбир доирасида анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган касаба уюшмаси стипендияси сертификатлари 10 нафар талаба-ўқувчиларга тантанали равишда топширилди. Улардан 1 нафари Гулистон Давлат университети талабаси, қолганлари эса касб-ҳунар коллежи ўқувчиларидир.

— Биз, ёшларга кўрсатаётган ғамхўрликдан ҳар қанча фахрланса арзийди. Мамлакатимиздаги 12 йиллик бепул таълим тизими, ўз шахсий тадбиркорлигимизни бошлаш учун берилаётган имтиёзлар, ишлаб чиқариш амалиётини ўташ даврида кўрсатилаётган моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашлар шулар жумласидандир, — дея миннатдорчилигини билдирди касаба уюшмаси стипендианти Мирзаобод қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Дилфуза Чўйбекова.

Байрам дастури давомида ёш истеъдодлар ижросидаги дилтортар куй ва қўшиқлар тадбирга файз бағишлади.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

ИСТИҚЛОЛ ШУКРОНАСИ

Йиллар ўтган сайин Истиқлол қадр-қиммати ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Байрамдан байрамгача она диёримизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари қалбларимизни фахр-ифтихор ҳисларига тўлдираётир. Ушбу ислоҳотларда касаба уюшмаларининг ҳам муносиб улуши бор.

Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан «Ширин» маданият саройида ташкил этилган «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» мавзуидаги маданий-маърифий тадбирда Истиқлол неъматининг қадр-қиммати эътироф этилди. Унга тизим фаоллари қатори, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, ишлаб чиқариш фаоллари ҳамда турли соҳа меҳнаткашлари таклиф этилди.

Тадбирда мамлакатимизда юрт тинчлиги, эл фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган эзгу ишлар алоҳида таъкидланди. Айниқса, аҳолининг эркин касб танлаши, меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган инсонлар учун яратилаётган квоталанган иш ўринлари, бандликни таъминлаш, халқ турмуши ободлигини ошириш йўлидаги тизимли ишлар хусусида тўхталиб ўтилди.

Тадбир давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томнидан 150 нафарга яқин эҳтиёжманд оила бекаларига электр маиший техника жиҳозлари тақдим этилди.

Дилбар куй-қўшиқлар, жозибали рақслар ҳамоҳанглигида кечган тадбирда олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежларининг 12 нафар иқтидорли талаба-ўқувчиларига касаба уюшмалари стипендияси сертификатлари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева, Навоий шаҳар ҳокими Неъматулла Аҳадов, Олий Мажлис Сенати аъзолари Холбой Ибрагимов ва Назира Тоғаева қатнашди. Сўзга чиққанлар вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, эришилган ютуқларни ифтихор билан қайд этишди. Байрамона дастур иштирокчиларга янада кўтаринки кайфият армуғон этди.

Маҳбуба ҚАМБАРОВА,
Мансур АЛОВУДДИНОВ

Юксалиш

Марғилон шаҳридаги «Гранд кибо» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулотларига талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Корхона мутахассислари яна бир истиқболли лойиҳага қўл уришди. 148 минг АҚШ доллари ҳисобидаги замонавий дастгоҳлар хориждан келтириб ўрнатилди. Натижада, бу ерда 10 хилдаги болалар пойабзали ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Истиқболли лойиҳа

— Маҳсулотларимизга қўшни Наманган, Андижон вилоятларида талаб ортиб бораётгани сабабли, корхона фаолиятини янада кенгайтириш, маҳсулотлар турини кўпайтириш устида иш олиб бораяпмиз, — дейди корхона раҳбари Дилдора Маҳмудова. — Жорий йилда республикада ўтказилган 3-халқаро саноат кўргазмасида ўз маҳсулотларимиз билан қатнашиб, биринчи ўринни қўлга киритганимиз кучимизга-куч, ғайратимизга ғайрат қўшди.

Корхона жамоаси кўргазма раҳбарияти томонидан биринчи даражали диплом билан тақдирланди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Ўқув-семинар

Самарқандда «Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини амалга оширишда иш берувчилар олдидаги вазифалар» мавзуида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Меҳнат муносабатлари

Вилоят касаба уюшма фаоллари, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари, фермер хўжаликлари раислари, иш берувчилар ва нодавлат сектори корхоналари вакиллари қатнашган тадбирда мавзуга доир қимматли маълумотлар муҳокама этилди.

Тадбирда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Акбар Қодиров, бўлим мудирлари Усмон Каримов, Шодиёр Тўқсонов, юридик бўлим ходими Азамат Болибоев ҳамда ЎзКУФК бўлим мудири Лола Холмўминовалар томонидан ХМТнинг Ўзбекистон Республикасида ратификация қилинган конвенцияларига атрофлича шарҳ бериб ўтилди.

Семинар иштирокчилари ўз саволларига батафсил жавоб олишди.

Ўз мухбиримиз

Август ойи — ҳосилга ҳосил қўшадиган давр

Ҳар йилнинг шу палласида Андижон вилояти туманларида қишлоқ хўжалиги ходимларининг мавсумолди йиғилишлари ўтказилади. Уларда тажрибали деҳқонлар, мутахассислар жам бўлиб, амалга ошириладиган ишларни хомчўт қилишади. Абдурауф ака Олтинкўл туманида ўтказилган йиғиндан кўп гапларни кўнглига тугиб қайтди. У раҳбарлик қилаётган «Олтинкўлнинг олтин жилоси» фермер хўжалигида 43 нафар аъзо бор. Иш юритувчи, ҳисобчи ҳамда ўзидан ташқари, ғўза парвариши билан шуғулланувчилар 40 нафарни ташкил этади. Фермер ҳар бирига иш тақсимлайди.

Олим фермер даласида

Ғўза одам танийди, деган гапни устозларидан эшитган. Пайкал ораламаган, ҳосилнинг чўғини чамалаб, эгатма-эгат юрмаган деҳқон куз адоғида ер чизиб қолиши аён. Ўн йилдирки, Абдурауф Абдуллаев август ойида масъулият билан ишлаш кераклигини ўз тажрибасидан ўтказди.

У — олим одам. Андижон машинасозлик институтида иқтисоддан талабаларга сабоқ беради. Илмий ишлар ёзади. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» деган китоби ҳам нашр этилган. Ўтган асрнинг 90-йилларида айнан фермерлик ҳаракатини ривожлантириш мавзусида докторлик диссертациясини Санкт-Петербург шаҳрида ҳимоя қилган.

Қишлоқ кишиси ким бўлмасин, хоҳ олим, хоҳ деҳқон — даладан узоқлаша олмайди. Ер меҳри тортади-да. Абдурауф ака бошчилик қилаётган жамоа эндиликда илмий-экспериментал фермер хўжалиги мақомини олди. Олим назарияни амалиётда қўллар экан, ўз хўжалиги тажрибаларига таянади.

Ўтган йили ғалладан 66 центнердан ҳосил олинганди. Жорий йилда 27,6 гектар майдондаги буғдойдан кўтарилган хирмон бу кўрсаткичдан ошди. Ҳосилнинг яхшигина қисми фермер хўжалиги аъзолари тасарруфида қолди. Ўзларига, маҳалла-қўйга, эҳтиёжманд оилаларга, саховатталаб жойларга тарқатилганидан ортганини захирага олиб қўйдилар.

Ҳозир асосий эътибор 35 гектар майдонда парвариш қилинаётган ғўзага қаратилган. Фермер билан мулоқотимиз чоғида у тўртта жиҳатга эътиборни қаратди. Биринчидан, ҳозир энг муҳим агротехник тадбир ҳисобланган чилпишни тўла-тўкис якунлаб, ҳар куни ғўза оралаб, ҳосил шохларини доимий назоратдан ўтказиб туриш керак. Иккинчидан, август ойида камида уч марта култивация қилинади. Бунда тупроқ донадорлигини орттириш талаб этилади. Бу қўшимча ҳосил тўплаш деганидир. Учинчидан, суғоришни тунда, «шарбат» усулида олиб бориш зарур. Айни кунларда кўчатлар остида 60-70 фоиз атрофида намлик туриши шарт. Тўртинчидан, ғўза ниҳолларини ҳашаротдан сақлашда ҳушёрлик талаб қилинади. Зараркунандалар пайт пойлайди. Бироз бепарво бўлиб, пайкал ораламай қўйилса, ҳашарот кўпайиб, ҳосил бой берилиши мумкин. Дала шийпонида ҳар бир аъзога, сувчи, механизатор, биолаборатория ходимига барча шароит яратилган. Тунда сувчи ва механизаторлар шийпонда қолишяпти. Улар учун ўрин-жой, кўрпа-ёстиқдан тортиб гигиена воситаларигача муҳайё.

Астойдил меҳнат қилаётганлар ҳақида гап борганда, олим-фермер сувчи Ҳабибулло Эшонқулов, механизатор Фахриддин Тиркашевни тилга олади-да, кейин мийиғида кулиб: «Қирқ нафар аъзомизнинг ҳаммасини номма-ном санаш керак-да», дейди. Бу йилги мақсад — ҳосилдорликни яна ҳам ошириш. Августнинг беҳаловат кунлари, қуёшга талпиниб юз очаётган пахталар мўл ҳосилдан дарак бериб турибди.

Нурилло НЎЪМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшмалари: фаолиятга янгича ёндашув

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!

«Авесто»да Руйшуй (Амударё) бўйидаги бу қалъа-шаҳар «Тармида» атамаси билан келади. Тармида — «туғи баланд эрлар юрти», деб таърифланади. Тармида ўзининг баҳодир халқи-ю, ажиб табиати билан Искандар Зулқарнайннинг ҳам кўнглини ром этган ва у шаҳарни ўзининг номи билан Александрия деб аташга фармон қилган. Искандарнинг йилномачиси Квинт Курций Руф Бақтрия давлатида 12 та вилоят борлиги, улардан 2 таси Паратека ва Бубакена деб аталиши, бу икки жойда дарахтлар ва ток мевалари ғоят ширин бўлишини ёзади. Ушбу икки ҳудуд ҳозирги Сурхондарё вилоятидир.

ЎТМИШИ СОБИР, БУГУНИ СОБИТ, ЭРТАСИ СОҲИР

Мамлакатимиз Мустақилликка эришгач, ривожланишнинг дадил одимлари бошланди. Ўтган 23 йил мобайнида Сурхон воҳаси ҳам янгича қиёфа, бетакрор кўринишга эга бўлди. Нафақат Термиз шаҳрида, балки барча туман марказлари-ю олис қишлоқларда замонавий иншоотлар, маҳобатли таълим муассасалари, кўркам тиббиёт масканлари, жаҳон талабларига мос спорт мажмуалари қад ростлади. Маҳаллий саноатни ривожлантириш, хорижлик ҳамкорлар билан қўшма корхоналар барпо этиш борасида дадил қадамлар ташланмоқда.

Энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллик тантаналари арафасида Сурхон заминида 30 та умумтаълим мактаби, 14 та касб-ҳунар коллежи, 9 та соғлиқни сақлаш муассасаси, 11 та замонавий спорт иншооти ҳамда мусиқа ва санъат мактаблари фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, янги иш ўринларини яратиш аҳоли бандлигини таъминлашнинг устувор йўналишларидан биридир. Шу билан бир қаторда, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини яхшилаш ҳам янги иш ўринларини ташкил этишда қўл келмоқда. Жорий йилнинг дастлабки чорагида бу соҳалар ривожи учун 1 миллиард 330 миллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, 8700 киши муқим иш билан таъминланди.

Вилоятимизда жами 66 минг 96 та янги иш ўрни яратиш белгиланган бўлиб, бу саноат корхоналарини ишга тушириш, мавжудларини қайта қуриш ва кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда касаначиликни ривожлантириш ҳисобидан амалга оширилади. Бу йил 115 та касб-ҳунар коллежини 46 минг нафарга яқин йигит-қиз тугаллаб, мустақил ҳаётга йўлланма олди. Уларнинг 60 фоиздан ортиғи ўзлари севган касб бўйича ишга жойлашди ва жараён оғишмай давом эттирилмоқда. Бугунгача 20 мартадан ортиқ бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркалари ташкил этилиб, 20 мингга яқин киши ишли бўлди.

(Давоми 2-3-саҳифаларда).

ЎзА сурати

Касаба уюшмалари:

ФАОЛИЯТГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Ishonch
2014-yil 16-avgust № 99 (3448)

Таътил — 2014

Тўгарак машғулотларидан бўшаган болажонлар гулзорлар атрофида ўрнатилган ўриндиқлардан жой олишди. Айниқса, Алиёр, Элбек ва Сурайёнинг дўстона суҳбати қизғин тус олди. Машғулотлардан олган таассуротлари бир дунё эканлиги шундоққина билиниб турарди...

Бу сўлим гўша...

— Халқимизда «Соғ танда — соғлом ақл» деган нақл бор, — дейди Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи тасарруфидаги «Нефтчи» оромгоҳи бош етакчиси Нурчеҳра Исоқова. — Оромгоҳимизда болажонларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариши, таътилда қўшимча билим олиши учун завод маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси барча имкониятни ишга солмоқда. Бу йилги мавсумнинг 4 босқичида 1010 нафар бола дам олдирилиши режалаштирилган. Ҳар бир босқич 18 кун этиб белгиланган. Сўнгги босқичда 160 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилаяпти. Улардан 100 нафари иқтидорли ўқувчилар, 10 нафари «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари, 9 нафари кўзи ожиз болалар, қолганлари заводда ишловчи эҳтиёжманд оилалар фарзандларидир. Тарбиячи ва етакчиларимиз амалий ва кўнгилочар тадбирлар мазмунмоҳиятини янада ошириш иштиёқида астойдил фаолият кўрсатмоқда.

«Нефтгазқурилиштаъмир» АЖга қарашли «Мовий гулхан» оромгоҳида ҳам ўғил-қизлар мароқли дам олиши учун барча шароит яратилган. Бу сўлим гўшада Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида нефт ва газ соҳасида меҳнат қилаётган ходимлар фарзандлари қаторида «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари, эҳтиёжманд оилалар болалари ҳам соғломлаштирилаяпти.

— Мавсум давомида ходимларимиз фарзандларининг мазмунли дам олишини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратдик, — дейди оталиқ ташкилот касаба уюшма қўмитаси раиси Даврон Раҳматов. — Халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар идоралари ходимлари, «Камолот» ЁИҲ вакиллари билан ҳамкорликда амалга оширган тадбирларимиз муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, Соғлом бола йилида ёзги соғломлаштириш билан боғлиқ долзарб масалага эътибор ҳар қачонгидан юқори. Чунончи, вилоятда 17 та стационар, 96 та кундузги оромгоҳларда 17 минг нафардан ортиқ ўғил-қизнинг намунали дам олиши таъминланган бўлиб, шунингдек, туманлардаги касб-ҳунар коллежларининг 201 нафар ўқувчиси учун амалиёт даврида корхоналарда «Меҳнат ва дам олиш» оромгоҳлари ташкил этилди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Тадбир

Шу кунларда юртимизнинг қаерига борманг, байрам нафасини ҳис қиласиз. ЎзКУФК қошидаги Санаторкурортлар бошқармаси томонидан ҳам энг улуғ ва энг азиз байрамимизни муносиб кутиб олиш ва ўтказиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилаётир.

Маънавият соатлари

Куни кеча Наманган вилоятидаги «Косонсой санаторийси» МЧЖда «Маънавият соати» ўтказилди. Тадбирда Санатор-курортлар бошқармаси маданий-маърифий ишлар ташкилотчиси Маҳмуда Мурзаева «Мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз — халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик» мавзусида маъруза қилди.

МЧЖ директори Нўъмонжон Мўйдинов республикамизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишлар, санаторийлар, хусусан, мазкур шифо масканининг меҳнаткашлар саломатлигини тиклаш борасида олиб бораётган фаолияти ҳақида сўз юритди.

«Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишлаб амалга ошириладиган «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури» асосида Фарғона вилоятидаги «Чимён санаторийси» МЧЖда ҳам шундай тадбир ташкил этилди. Санаторийнинг даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари Лазокат Бойминзаева сўзга чиқиб, мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, таълим, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқий, маданий-маънавий соҳаларда эришилган ютуқлар ҳақида тўхталди.

Таниқли шоира Марҳабо Каримова мустақиллик шарофати билан эришилган оламшумул ютуқларимизни мадҳ этувчи шеърларидан намуналар ўқиб берди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулҳай Каримов ижро этган дилрабо қўшиқлар йиғилганларни хушнуд этди.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Истиқлолнинг буюк иноятларидан бири, бу — XX асрнинг охирги йилларида заҳматли меҳнат ҳисобига барпо этилган «Тошғузор-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўлидир. Янги темир йўл фойдаланишга топширилгач, ўндан ортиқ йирик конлар ўз бойлигини элга тутди. Айниқса, Хонжиза полиметалл конидаги бунёдкорликлар кўзни қувонтиради. Умумий қиймати 71,2 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган лойиҳа мамлакатимиз ривожи, иқтисодиётида муҳим ўрин тутади.

Юртимизда аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш, элимизни замонавий уй-жойлар билан таъминлашга катта эътибор қаратилаётир. Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан бошланган бу хайрли ишлар қишлоқларимизда истиқомат қилаётган аҳоли учун айни муддао бўлди. Шинам, кўркам, ҳар томонлама қулай уй-жойларда умргузаронлик қилаётганлар бундан фахр ва ифтихор ҳиссини туймоқда. 2009 йилда Шеробод, Жарқўрғон ва Термиз туманларида 60 та намунавий уйлар ўз эгаларига топширилган бўлса, 2010 йилда 660 та хонадонда ҳовли тўйлари ўтказилди. 2011-2012 йилларда 1355 та оила янги уйларга кўчиб кирди. Ўтган йили 850 та хонадон аҳли ана шундай бахтга мушарраф бўлди. Соғлом бола йилида эса 887 та янги уй-жой калити эгаларига топширилди.

Жорий йилда Сурхондарё ҳудудидан ўтувчи халқаро, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик автомобил йўлларини реконструкция қилиш учун 167 миллиард сўмлик ишлар бажарилиши режалаштирилган. Енгил саноат соҳасида 34,8 миллион АҚШ доллари миқдорида истиқболли лойиҳалар амалга оширилиб, 5237 та янги иш ўрни яратилади. Шу кунгача Сариосиё туманида пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади. Шўрчи туманидаги «Мўмин текстил» МЧЖ, Қумқўрғон туманидаги «Қумқўрғон механика заводи» МЧЖ негизидалаш борасидаги бунёдкорлик ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жорий йилда юзга яқин аҳоли пунктларида сув таъминотининг яхшиланиши кўзда тутилган. Бу борада дастлабки ярим йилда 14 миллиард 200 миллион сўмлик иш бажарилди.

СУРХОНДАРЁ

ЎТМИШИ СОБИР, БУГУНИ

ги ип-калава тайёрлаш корхоналари ёшларни бағрига олди.

Айни пайтда Шерободда цемент заводи қурилиши жадал давом эттирилмоқда. Шарғун ва Тўда кўмир конларининг қувватларини ошириш ҳисобига кўмир қазиш ҳажмини 900 минг тоннага етказиш режалаштирилган. Шу билан бирга, 2 млн. 200 минг нафардан ортиқ аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги бунёдкорлик ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жорий йилда юзга яқин аҳоли пунктларида сув таъминотининг яхшиланиши кўзда тутилган. Бу борада дастлабки ярим йилда 14 миллиард 200 миллион сўмлик иш бажарилди.

Йил охиригача Қумқўрғон, Олтинсой, Денов, Бойсун, Узун, Музрабод туманларининг 607 минг нафарга яқин аҳолиси тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлади.

Сафларида 406 минг нафардан ортиқ аъзони бирлаштирган Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ишчи-ходимлар ва оила аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир талай ишларга бош масала сифатида қарамоқда. Давлат ва нодавлат ташкилотлар билан 30 дан зиёд битим, келишувлар тузилиб, ижтимоий шерикчилик қўлами кенгайтирилди. Бугун вилоятда 1 та минтақавий, 14 та туман келишувлари ва 6237 та жамоа шартномалари амалда. Ана шу ҳуқуқий ҳужжатлар асосида меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилиб келинмоқда. Жамоа шартномалари ва келишувлари доирасида ҳар йили 1500 нафардан ортиқ аёл қўшимча таътил олмоқда. Минг нафардан ортиқ аёлнинг ҳомиладорлик

Тадбиркорлик — давр талаби

Рўзибадал Зулпалиев Тошкент қишлоқ хўжалик техникумини битириб, кўп йиллар давлат ташкилотларида турли вазифаларда ишлади. Юртимиз истиқлолга эришгач, тадбиркорлик йўлини танлаб, Иккиланмай Хитой давлатидан ун тегирмони келтириб, хонадонига ўрнатди.

ТОШЛОҚДАН РИЗҚ УНДИРИБ

Ўн йил илгари ДТ «Микрокредитбанк»нинг Сариосиё тумани филиалидан 13 миллион сўм кредит олиб, Литва давлатидан касалликларни аниқлаб, ташхис қўядиган УЗИ аппарати сотиб олди. Шу тариқа Узун туман марказий шифохонаси қошида «Азизи Дилафрўз» тиббий даволаш хусусий маркази ташкил этилди. Мурожаат қилувчиларнинг касалликлари тажрибали жарроҳ-уролог Пўлат Тўйчиев томонидан УЗИ аппарати ёрдамида аниқланиб, малакали даволанмоқда.

Рўзибадал ака одамлар ташвиши билан яшайдиган инсон. Сариосиё туманидаги «Ўзбекистон» қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги Ғалаба қишлоғидаги хонадонларнинг табиий газга бўлган эҳтиёжини қондириш учун Зулпалиев ташкилотчилик ишларини зиммасига олди, шу билан бирга, ўз ҳисобидан анчагина маблағ ҳам ажратди. Қишлоқни газлаштириш лойиҳасини амалга ошириш учун Тошкентга бир неча бориб келди. Ташаббускор хонадон эгалари ёнга кирди. Носирхон Тўрақулов бошлиқ фермер хўжалиги ҳомийлик қилди. Маҳалла оқсоқоли Боймаҳмад Саидов, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Очилди Хидиров, Рўзибадал Зулпалиев бошчилигида ҳашар йўли орқали 1,7 километрли масофага газ қувури тортилиб, Ғалаба қишлоғи хонадонларида «зангори олов» ёна бошлади.

Зулпалиев яна бир савобли ишга қўл урди. Қишлоқ аҳолисининг саломатлигини ўйлаб, ҚВП қурилишига бош-қош бўлди. Тинчимас одам барибир ўзини ўтга-чўққа ураверар экан-да. У «Тўпаланг» дарёси қирғоғига туташ қисмида фойдаланилмай ётган тошлоқзорга яшиллик бахш этди. Аввал тощдан тозалади. Очилган майдонга Ғалаба адирликларидан унумдор тупроқ келтириб ёйди. Эндиликда оила аъзолари шу ерда ҳар йили буғдой, пиёз, шоли ўстириб, баракали ҳосил олмоқда. Шубҳасиз, тош устига ётқизилган тупроқда бирон нарса ундиришнинг ўзи бўлмайди. Ҳар йили тонна-тонна гўнг ва маъданли ўғит солинади. Далани суғориш учун эса сой устидан тросс ёрдамида қарийб бир километр олисликдан пластмасса қувурларни ётқизиб, сув келтирилгани ҳам аслида шундан. Натижада, 2013 йили 5 тонна буғдой, 600 килограмм шоли, буғдой изига экилган маккажўхоридан 10-15 бош қорамолни йил ўн икки ой боқишга етадиган хашак, 2 тоннадан кўпроқ пиёз, шунча сабзи етиштирилди. 20 сотихли бедапоя 4 маротаба ўрилди. 20 туп ёнғоқ, 25 туп ҳар хил навли ток, 20 туп жийда, 10 туп шафтоли нишона берди.

Тадбиркор инсон Рўзибадал Зулпалиев тошлоқдан 1993 йилдан бери ризқ ундирмоқда. «Тўпаланг» дарёсига яқин Меҳнаткаш, Тиргарон қишлоқларининг қирққа яқин аҳолиси ҳам Зулпалиевлар оиласидан ибрат олиб, тошлоқ ерда ҳар хил зироатлар ўстираётир.

Зулпалиевнинг шундай фазилати бор: бир ишга киришдими, охирига етмагунча тиниб-тинчимайди. Қонун-қоидани, ҳақ-ҳуқуқини яхши билади. Бунда унга эл дарди билан яшаётгани куч бағишлайди.

А.ЛАТИПОВ

Олтин ёз

Қумқўрғон туманида 70 та умумтаълим мактаби бор. Бу йилги таътил ўқувчилар учун ҳақиқатан ҳам олтин ёз бўлди.

Таътилнинг биринчи кунидан бошлаб 300 нафар, аълочи, жамоат ишларида фаол, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар 1-,2-,6-,7-,24-,12-,19- каби қатор мактаб-

КУНДУЗГИ ОРОМГОҲЛАРДА

ларда ташкил этилган кундузги оромгоҳларда мириқиб дам олишди. Мазкур оромгоҳларда ҳаёт бир маромда қайнайди. Болажонлар режа асосида 25 дан ортиқ тўгарак машғулоти билан банд бўлишди.

— Икки нафар фарзандим кундузги оромгоҳда дам олди, — дейди Урол Ҳайитов. — Шароитлари яхши. Овқатлари тўйимли, сифатли. Китоб мутолааси билан шуғулланишади. Инглиз тилини чуқурроқ ўрганишга ҳаракат кучли. Улардан кўнглимиз тўқ. Ота-оналар номидан ташкилотчиларга миннатдорлик билдирамиз.

Норхўжа АБДУЛЛАЕВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қумқўрғон туман кенгаши раиси

Иш билганга минг танга

Сурхондарёда қовун-тарвуз асосан Бандихон даштларида етиштирилади. Академик М.Мирзаев номидаги «Бандихон» тажриба хўжалигимизнинг 700 нафардан ортиқ ишчи-хизматчиси 1000 гектардан ортиқ майдонда мевали дарахтлар ва узум етиштириш билан машғул. Хўжалигимиздаги боғроғларнинг барчасини касаба уюшма қўмитамиз оталиғига олган. Кейинги икки йил орасида эскириб, камҳосил бўлиб қолган мевали дарахтлар ҳамда токзорларни қўпориб, ўрнига ёш ниҳоллар ўтказилмоқда. Ниҳоллар ҳосил бергунча оралиқдаги майдонлардан унумли фойдаланиш мақсадида полиз ва сабзавотлар пешма-пеш экиляпти.

МОСКВАДАН ХАРИДОР КЕЛДИ

Даштда қовун-тарвуз серҳосил ва ширадор бўлади. Бу йил хўжаликдаги 90 гектар майдонда қовун-тарвуз етиштирилган. Айрим тадбиркор деҳқонлар полиз маҳсулотларини эрта чиқариш учун плёнка остида ўстиришди. Саратоннинг бошидаёқ қовунлар пишиб етилди. Айни пайтда ҳосил эл дастурхонига тортиқ этилаяпти.

Тажриба хўжалигимизда Ўктам Икромовни етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма танийди. У фарзандлари билан 10 гектар майдонда эрта пишар олча навини парваришлаб келмоқда. Май ойида 2,5 тонна мева териб топширди. Ўктам ака 4 гектар майдонга қовуннинг «Жиян» нави уруғини плёнка остига эккан эди, ҳосил мўл бўлди. Бугун Икромовнинг қувончи чексиз. Чунки қовунига Москва шаҳридан харидор чиқди.

«Бандихон» тажриба хўжалигимиз Сурхондарёда хўжалик сифатида фаолият юритаётган ягона хўжаликдир. Бугун Ўктам Икромовнинг издошлари — Шерали Ҳайитов, Эргаш Саидов каби ўнлаб пудратчилар ҳаракати билан далаларимиз қовун-тарвузга тўлди. Саратон бошлангандан буён хўжалигимиздан тадбиркорларнинг оёғи узилмаяпти. Улар пудратчилар билан шартнома асосида қовун-тарвузларни вилоятнинг ички бозорлари, шунингдек, Урганч, Самарқанд, Тошкент бозорларига етказиб беришяпти.

Дарвоқе, республикамизда фаолият юритаётган «Ўзтадбиркорэкспорт» компанияси билан битим тузилиб, июл ойидан буён 60 тонна сархил қовунни Москвага экспорт қилдик. Мана, бугун шу компания ходимлари дала бошида ҳисоб-китоб қилиб, яна 20 тонна қовунни олиб кетишаяпти. Яна 150 тонна қовун-тарвузни хориж мамлакатларига сотиш бўйича битим тузганмиз.Хўжалигимиз жамоаси меҳнаткаш, замини саховатли. Ҳадемай бу ерда олма, узум, беҳи, хурмо, пушталар орасига экилган сабзи пишади.

Бу йил хўжалик боғларида пишиб етиладиган узумни четга чиқармай, хўжаликдаги цехда қайта ишлаб, шарбатбоп маҳсулот тайёрлаш чоралари кўрилаяпти. Инвестиция дастурига кўра қайта ишлаш цехини таъмирлаш ва мавсумга шайлаш учун тижорат банкларидан 350 млн. сўм имтиёзли кредит олиш режалаштирилган. Хўжалигимизнинг қайта ишлаш цехи ишлай бошласа, мевали боғлар, токзорлардаги ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлишининг олди олинади. Ноз-неъматларни қайта ишлаган ҳолда ҳам сотиб, кўпроқ даромад топиш имконияти яратилади. Бу маҳсулотларимизга ҳам хориждан харидор чиқса, ажабмас.

Бодиқул РАВШАНОВ,
Қизириқ туманидаги Академик М.Мирзаев номидаги Республика илмий ишлаб чиқариш институтининг «Бандихон» тажриба хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси



ЎзА суратлари

Қишлоқ инфратузилмаси

Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга оид ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан вилоятда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳолининг сувга бўлган талабини қондиришга катта эътибор берилаётир. Вилоят «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармаси раҳбари Юсуф Менглиев берган маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган олти ойида 65 та аҳоли яшайдиган манзилда ичимлик сув билан таъминланиш ҳолати яхшиланди. Айни пайтда қишлоқларда янги сув қудуқлари қазиш ва минора ўрнатиш, сув қувурлари ётқизиш, мавжуд сув қудуқларини таъмирлаш ишлари жадаллик билан давом этмоқда.

ҲАЁТ МАНБАИ

Жумладан, Қумқўрғон туманидаги «Ўзбекистон 5 йиллиги» қишлоқ аҳоли пунктида бу йўналишда 132 млн. сўмлик иш бажарилади. Ҳозир бу ерда Пардақул Эргашев раҳбарлигидаги «Сурхон сув ишлаб чиқариш ва сотиш» ДУК жамоаси сув қувурларини ётқизиш, сув қудуғи қазиш, насос станцияси резервуарини таъмирлаш билан банд. Худди шундай юмушлар Олтинсой туманидаги «Карсаган» турар жой массиви, Узун туманидаги «Қоранқул», Бойсун туманидаги Хўжақўчқорота қишлоғи, Денов туманидаги Анбарсой қишлоғи, Музрабод туманидаги «Чўлқувар» қишлоқ аҳоли яшаш пунктларида амалга оширилди. Натижада, 239,2 минг нафар кишидан иборат қишлоқ хонадонларига ичимлик суви кириб борди.

Ичимлик суви қувурлари етиб бормаган олис қишлоқлар меҳнаткашларига ичимлик сувини махсус техникаларда етказиб бериш чоралари кўрилаяпти. Шу мақсадда 67 та махсус сув ташиш автомашинаси ва тракторлар харид қилинди. Улар ёрдамида аҳолини ичимлик суви билан доимий таъминлаш йўлга қўйилган.

Сурхон воҳасининг Ангор, Қумқўрғон, Қизириқ, Олтинсой, Музрабод ва Шеробод туманлари аҳолиси эҳтиёжи Олтинсойдаги «Хўжаипок» туманлараро ичимлик суви ишлаб чиқариш ва сотиш корхонаси томонидан қондириляпти. 1984 йилда фойдаланишга топширилган корхона тасарруфидаги қудуқларни қайта таъмирлаш ва янги ускуналар билан жиҳозлаш, сув таъминотини яхшилаш мақсадида қўшимча дастурга асосан 5 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Белгиланган манзилли дастурларга асосан, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича режалаштирилган ишлар йил охиригача давом эттирилади. Жорий йил давомида воҳанинг 341 та қишлоқларига ичимлик сувини етказиб бериш ҳолатини яхшилаш учун лойиҳа бўйича 32,5 миллиард сўмлик объектлар ишга туширилади. Бу, 606,8 минг нафар аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи қондирилади, деганидир.

Ўз мухбиримиз

Ishonch
2014-yil 16-avgust № 99 (3448)

АЗИЗДИР ИНСОН!

ВИЛОЯТИ

ва туғиш билан боғлиқ таътиллари узайтирилди. 500 нафар кўп болали аёлга қисқартирилган иш куни белгиланиб, моддий ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда. 100 миллион сўмдан ортиқ кўмак берилди.

Ўтган давр мобайнида меҳнатни муҳофаза қилиш борасида 1196 та бошланғич ташкилот фаолияти ўрганилиб, меҳнат муҳофазаси бўйича қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг тўғри юритилиши ортиқ фуқаро республика ва вилоят ҳудудидаги сиҳатгоҳларда имтиёзли йўлланмалар билан саломатликларини тиклади. Кези келганда, фарзандларимизнинг Х.Қулниёзов, Вахшивор, Мироб, Бешбулоқ каби оромгоҳларда мириқиб дам олиши учун барча шароит яратилганини таъкидлашни истардим. Хусусан, интеллектуал оромгоҳ (Х.Қулниёзов) ташкил этиб, фан олимпиадалари, билимлар беллашувининг ғолиблари бўлган 100 нафар болани дам олдирдик.

Галдаги вазифалар ҳам ғоят серқирра бўлиб, бу ҳол ишимизга янада масъулият билан ёндашишга ундайди.

Абдукарим АҲМЕДОВ,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

СОБИТ, ЭРТАСИ СОҲИР

нафардан ортиқ ишловчи байналмилалчиларимизнинг ижтимоий ҳимояси назоратга олинган. Касаба уюшмаларида ишлаб, нафақага чиққан 80 нафар пенсионерга 12 миллион сўм миқдорида хайрия кўмаги кўрсатилди. Бундан ташқари, Сариосиёдаги «Фарҳод» «Мурувват» уйи, Шўрчи туманидаги махсус мактаб-интернати, Термиз шаҳридаги 12-«Меҳрибонлик» уйи ҳамда «Саховат» уйига 35 бўйича таклиф ва тавсиялар берилди. Бунинг маҳсули ўлароқ, «Жарқўрғоннефт» АЖ касаба уюшма ташкилоти меҳнат муҳофазаси бўйича ўтказилган кўрик-танловнинг республика босқичи ғолиби бўлди.

Меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ва дам олдириш фаолиятимизнинг муҳим вазифаларидан биридир. Шу боис касаба уюшмалари томонидан 5 минг нафардан

Санъат

Балки қайсидир соҳада қўл учида ишлайвериш мумкиндир. Лекин санъат йўлини танлаган киши иқтидорсиз узоққа боролмайди. Мухлислар эътиборини қозониш учун астойдил қизиқиш ва истеъдод лозим.

ВОҲАНИНГ СУЮКЛИ ҚИЗИ

Термиз шаҳридаги 16-умумтаълим мактабида ўқиб юрган кезларидаёқ рақс Нилуфар Юсупованинг жону дили эди. Унинг чиройли ҳаракатлари томошабинларни бефарқ қолдирмас, куйга мос нозик ҳаракатлари диққатни жалб этарди. Мактабда ўтказиладиган тадбирларда фаоллиги билан анча танилиб қолган қизалоқ шаҳар ва вилоят миқёсида ўтказиладиган маданий тадбирларда ҳам иштирок эта бошлади. Байрам тадбирлари, концерт дастурларидаги бетакрор рақслари, табиийки, тез орада мутахассислар назарига тушди.

Тошкентдан Термиздаги амфитеатрга байрам тадбирларини намунали ташкил этиш учун келган таниқли саънаткор, хореограф Шоира Қурбоновага Нилуфар Юсупованинг латиф ҳаракатлари маъқул тушди. Истеъдодли қизни ўзи яратган «Сурхон» рақс мактабига жалб этди. Кўп ўтмай ёш иқтидор соҳибаси «Ўзбегим ёшлари» ашула ва рақс фолклор ансамбли сафига қўшилди.

Ансамбл бадиий раҳбари Лутфия Рўзибоева қиздаги истеъдоднинг очилмаган қирраларини кашф этди. Давомли машғулотлар Нилуфарнинг маҳорати ўсишига хизмат қилди. Гарчанд у Термиз саънат коллежининг маданий ва маърифий фаолият бўлими ўқувчиси бўлса-да, республика миқёсидаги тадбирларда ҳам ўзини намоён қила бошлади. Ўтган икки йил мобайнида Малайзия, Италия, Франция, Швейцария сингари хорижий мамлакатларда саънат анжуманларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллади. Хусусан, 2013 йил июл ойида Туркиянинг Денезли шаҳрида бўлиб ўтган фестивалда эътибор қозонди. Шу йилнинг сентябр ойида Ҳиндистонда ўтказилган халқаро фестивалда энг яхши рақҳоса деб эътироф этилди.

Албатта, бу ютуқлар Нилуфарни янги зафарларга руҳлантираяпти. У бугун Ўзбекистон халқ артисти, таниқли балетмейстр Маъмура Эргашева, машҳур рақслар ижодкори Қодир Мўминов раҳбарлигида рақс саънатининг янги қирраларини намойиш этиш учун навбатдаги танловларга пухта тайёргарлик кўраяпти.

— Устозларимдан рақс сирларини ўрганиб, дунёга чиқдим, — дейди Нилуфар. — Камтарона меҳнатларим ҳисобга олиниб, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлдим. Келажакда саънат олийгоҳида ўқиб, маҳоратимни янада ошириш, эл суйган рақҳосалардан бири бўлиш ниятидаман.

Ўз мухбиримиз

Сизнинг адвокатингиз

Яқинда бўлимимиз томонидан Термиз тумани, «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи А.Юсуповнинг бирлашма раиси номига ёзган аризаси атрофлича ўрганилди.

АРИЗА БЕКОРГА ЁЗИЛМАЙДИ

Аризани ўрганиш жараёнида қуйидагилар аниқланди. А.Юсупов 1996 йилдан буён«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Сурхондарё филиалида ишлаб келган. Иш берувчи шу йилнинг 20 январ куни 69-к-сонли буйруғи билан «Учқизил» почта алоқаси ишлаб чиқариш бошлиғи вазифасига вақтинча бажарувчи этиб тайинлаган. 2 май куни эса, филиалнинг 408-к-сонли буйруғи билан тузилган шартнома Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисм 4-банди билан (меҳнат муносабатларини бир маротаба қўпол равишда бузиш) бекор қилинган. Аммо ўрганиш кўп нарсаларга аниқлик киритди ва бир қанча сабабларга кўра филиалнинг мазкур буйруғи ноқонуний деб топилди.

Хусусан, иш берувчи интизомий жазо қўлланишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилмаган. Интизомий жазони қўллашда содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада оғир экани, содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқатвори, интизомий жазо берилмагани ҳисобга олинмасдан меҳнат шартномаси бекор қилинган. Шунингдек, МКнинг 100-моддаси 2-қисми 4-бандида ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган рўйхатда А.Юсуповнинг юқорида кўрсатилган ҳаракатлари кўрсатилмаган.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, иш берувчига 408-сонли бўйруқни бекор қилиш, А.Юсуповни аввалги вазифасига тиклаб, мажбурий бекор юрган кунлари учун ойлик иш ҳақларини тўлаб бериш ҳақида 2014 йил 24 май куни тақдимнома юборилди. Натижада, А.Юсупов ўз вазифасига тикланиб, бекор юрган кунлари учун ойлик иш ҳақи тўлиқ ундирилди.

Зарифжон ХОЛОВ,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири

Бунёдкорлик

Йўллар азалдан инсоннинг оғирини енгил, узоғини яқин қилади. Шунинг учун ҳам одамлар учраган тош, шох-шаббаларни четга олиб ташлаган. Нотекис жойларни текислаб юришга одатланган.

ШЕРОБОД ЙЎЛЛАРИ

Шеробод туманида йўл қуриш ва таъмирлаш масаласига эътибор кучайтирилиб, белгиланган чора-чора тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.

— Очиғи, ҳудудимиздаги йўлларнинг кўп қисми таъмирга муҳтож, — дейди туман ҳокими Рўзибой Авазов. — Албатта, бу ишларни бажариш учун катта миқдорда маблағ талаб қилинади. Ҳар йили ҳомийлар ва фермер хўжаликларини бу ишларга жалб этиб, биринчи галда қишлоқ йўлларига тош ётқизиш, асфалтлаштиришга аҳамият бериб келинмоқда. Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва бошқа соҳалардан топилаётган даромаднинг бир қисми йўллар таъмирига сарфланаётир.

Бу йил Шеробод тумани ҳудудида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 6 та хўжаликлараро маҳаллий ички автомобил йўллари, 4 та қишлоқ йўллари ҳамда битти шаҳарча типидаги посёлка йўлларини таъмирлаш режалаштирилган.

Тажрибали йўлсоз Нортожи Абдулаҳадов бошлиқ туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш корхонаси жамоаси йўл қуриш, мавжудларини таъмирлаш, сақлаш борасида кенг кўламли ишларни бажариб келмоқда.

Корхона ишчи-хизматчилари жорий йилнинг шу даврига қадар «Оққўрғон» ҚФЙ тасарруфидаги «Учдарак» хўжаликлараро ички автомобил йўлининг 2,5 километрлик қисмини таъмирлади. Бунинг учун 43.5 миллион сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, маҳаллий бюджетдан ажратилган 50,7 миллион сўм маблағ эвазига «Қуллуқшо» ва «Гуржак» МФЙлари орасидаги йўлни асфалтлаштириш ниҳоясига етказилди. Белгиланган режага кўра, жорий йил охиригача 15 га яқин қишлоқ йўллари таъмирланиши ва асфалтлаштирилиши лозим. Пудратчи ташкилот ҳисобланган «Шероддарёқурилиш» ИТКХ ишчилари ҳозир «Килкон» ва «Боботепа» МФЙларини туташтирувчи йўлнинг бир километрлик масофасини асфалтлаб, «Гегирдак», «Чуқуркўл», У.Юсупов номли қишлоқлар орасидаги бир километр узунликдаги хўжаликлараро ички автомобил йўлини мукаммал таъмирлашяпти. Бу икки объектда 170 млн. сўмликдан зиёд йўлсозлик ишлари бажарилади.

«Қурилиш Осиё Гарант» МЧЖ аъзолари эса Н.Муродов номли сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидаги Истара қишлоғига тегишли 0,7 километр узунликдаги ички автомобил йўли, «Сеплон» МФЙ ҳудудидаги Тўғиз, Қишлоқбозор қишлоқларидаги 1 километрлик хўжаликлараро автомобил йўли, «Чўмичли» МФЙ ҳудудидаги 0,8 километр узунликдаги кўчалар, шаҳар типидаги «Сарой» посёлкасининг 1 километрлик йўлларини таъмирлашни зиммага олишган. Мазкур объектларда 315 млн. сўмлик таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилади. Айни пайтда МЧЖ ишчи-хизматчилари йўлларга қора қотишмали қоплама чиқариш ишлари билан банд.

«Шероддарёқурилиш» ИКТХК меҳнат жамоаси йил охиригача «Балхигузар», «Галагузар», «Чиғатой» МФЙларидаги жами 1,5 километрлик йўлларни мукаммал таъмирдан чиқариш иштиёқида меҳнат қилмоқда.

Ўз мухбиримиз

Биз ҳам бир ёндан

Биз таълим олаётган масканда давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 25 апрелдаги ««Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати фаолиятини янада кенгайтириш тўғрисида»ги мажлис баённомасида белгиланган вазифалар ижроси борасида талай ишлар амалга оширилди.

ИХТИЁРИЙЛИК АСОСИДА

Олийгоҳимизда ёзги таътил даврида «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатини ташкил этиш мақсадида барча факультетларда қурилиш бригадалари тузилди. Уларга таътилдаги талабалар ёки вақтинчалик бандлиги таъминланмаган ёшлар ихтиёрийлик асосида жалб этилди. Ташкилотчилар томонидан воҳамиздаги долзарб қурилиш майдонларида ишлаётган корхоналар билан шартномалар тузилиб, ёшларнинг меҳнат манзиллари белгилаб олинди. Натижада, 220 нафар талаба-ёшларни бирлаштирган 8 та «Бунёдкор — 2014» меҳнат отрядлари тузилиб, уларга университетнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори, доцент О.Рўзиев раҳбар этиб тайинланди.

Айни дамларда улар воҳамизда барпо этилаётган янги уй-жойлар қурилишида иштирок этиб, ўз меҳнатлари сабаб, элимизнинг олқишига сазовор бўлмоқда. Ёш бунёдкорлар Термиз туманидаги «Лимонзор», «Янгиҳаёт», Шеробод туманидаги «Сарқамиш», Қумқўрғон туманидаги «Боғора», Узун туманидаги «Қорақамиш» МФЙлари ҳудудида намунали уй-жойлар қурилишида жонбозлик кўрсатишмоқда.

Ҳам ҳунар ўрганиш, ҳам таътилни мазмунли ўтказишни истаган «Бунёдкор — 2014» меҳнат отрядида талабаларнинг ишдан бўш вақтларида мазмунли дам олишлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Режа асосида турли маданий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда.

«Мустақил Ўзбекистон фарзандиман, юртимнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳиссамни қўшиш учун қўлимдан келган ҳар қандай ишга доим тайёрман!». Ушбу шижоат тенгдошларимнинг юз-кўзларини ёритиб турибди.

Эркин ШАЙДУЛЛАЕВ,
ТерДУ Тарих факультети 2-босқич талабаси

Тиббиёт

ДАРДГА МАЛҲАМ БЎЛИШ БАХТИ

Сурхондарё вилоят руҳий асаб касалликлари шифохонаси 250 ўринга мўлжалланган. Маскан таркибида 50 қатновга мўлжалланган диспансер бўлими мавжуд бўлиб, жами 405 нафар ишчи-ходим астойдил меҳнат қилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида бўлимлар 10 та компютер жамланмаси ва қарийб 100 млн. сўмлик ташхис анжомлари билан жиҳозланди. Айниқса, лаборатория ва диагностика бўлимлари фаолияти намунали йўлга қўйилган. Даволаш ишлари бўйича бош врач ўринбосари Ирина Жир, 1 ва 7 бўлим бошлиқлари Муқаддам Турсунбоева, Раҳмон Дўсов каби тажрибали шифокорлар, Лола Примқулова, Ботир Қуллиев, Бахтигул Жонибекова сингари ҳамширалар беморлар дардига малҳам бўлиш учун бор маҳоратларини ишга солмоқда.

Яқинда шифохонадаги эски биноларни янгилаш ишлари бошланди. Инвестиция дастурига асосан, жорий йилда 160 ўринли даволаш бўлими биносини янгитдан қуриш, мавжуд 40 ўринли даволаш бўлими биносини мукаммал таъмирлаш кўзда тутилган.

— Икки йилда шифохона ҳудудида эски бинолар қолмайди, — дейди шифохона бош шифокори А.Аҳмедов. — Ҳамма бўлимлар икки қаватли, замонавий иморатларга кўчирилади. 2015 йилда яна 200 ўринга мўлжалланган бино қуриб битказилади.

Қўшсаҳифа материалларини «Ishonch» мухбирлари Рустам ДАВЛАТОВ ва Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Реклама ва эълонлар

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объектлар номи:

1. «Фарғона вилояти Марғилон шаҳри М.Узоқов номидаги истироҳат боғи ҳудудида рангли мусиқали фаввора қурилиши».

Бошланғич нархи — **502 741 651 сўм ҚҚС билан; 418 951 376 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати — **60 кун.**

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбаалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн. сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

2.»Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Ал-Фарғоний кўчасидаги (Амфитеатр) ёшлар маданият маркази биносини жорий таъмирлаш».

Бошланғич нархи — **251 299 323 сўм ҚҚС сиз ва 301 559 187 сўм ҚҚС билан.**

Муддати — **1.08.2014 й.**

Кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови 100%.

Қурилиш-монтаж ишлари: Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Манзил: Фарғона шаҳар Темирйўл кўчаси 37, тел.(8595) 401-52-01.

Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар кўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32, 98-276-25-48

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, Фарғона шаҳар Темирйўл кўчаси 37-уй манзилда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

«VIP REAL ESTATE» МЧЖ Наманган вилоят филиали «Аукцион савдоларини ўтказувчи комиссия» иштирокида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2014 йил 17 сентябр куни соат 14-00да ўтказилиши белгиланган очиқ аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 8 августдаги 236/ас, 237/ас-сонли буйруқларига асосан қуйидагилар қўйилмоқда:

1. Наманган шаҳар ҳокимлиги балансидаги Наманган шаҳар А.Навоий кўчаси 8-уйнинг 1-қаватида жойлашган, умумий ер майдони 11,83 кв.метр, қурилиш ости майдони 11,83 кв.метр, фойдали майдони 7,62 кв.метрдан иборат «Нотурар жой» биноси, бошланғич баҳоси — 19 343 983 (Ўн тўққиз миллион уч юз қирқ уч минг тўққиз юз саксон уч) сўм, тўланадиган закалат пули миқдори — 2 902 000 (Икки миллион тўққиз юз икки минг) сўм,

2.«Шабнам файз жилоси» МЧЖ балансидаги Наманган шаҳар Ҳамроҳ кўчаси 64-уйда жойлашган, умумий ер майдони 881,10 кв.м, қурилиш ости майдони 881,10 кв.м, фойдали майдони 651,68 кв.м.дан иборат, «Талаба ва ўқувчилар овқатланиш» бино ва иншоотлари, бошланғич баҳоси — 177 904 264 (Бир юз етмиш етти миллион тўққиз юз тўрт минг икки юз олтмиш тўрт) сўм, тўланадиган закалат пули миқдори — 26 685 700 (Йигирма олти миллион олти юз саксон беш минг етти юз) сўм.

Юқоридаги савдо объектлари 2014 йил 17 сентябр куни сотилмаган тақдирда 24 сентябр ва 1, 8 октябр кунлари соат 14-00да ўтказиладиган аукцион савдосига такроран киритилади.

Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб, 20 (йигирма) кун муддатда сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузади. Талабгорлардан аризаларни хар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10-00 дан 17-00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва 2014 йил 16 сентябр куни соат 14-00да, (такрорий савдолар учун мос равишда 23, 30 сентябр ва 7 октябр кунлари соат 14-00да) тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг заколат пулини «VIP REAL ESTATE» МЧЖ Наманган вилоят филиалининг ОАИТБ «Ипак йўли» Наманган вилоят филиали, МФО:01054, ИНН: 302681189, 20208000800250595002 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги Гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ваколатли шахснинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча маълумот олиш ва аукцион савдоларини ўтказиш манзили:

Савдо ташкилотчиси: «VIP REAL ESTATE» МЧЖ Наманган вилоят филиали,

Манзил: Наманган шаҳри, Озодлик кўчаси 14-уй, (Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси биноси) Телефон: (8 369) 227-19-07, e-mail: info@realtors.uz, вебсайт: www.realtors.uz Лицензия: RR-0173. **Хизматлар лицензияланган.**

«Auto Trade Cooperation» МЧЖ томонидан 2014 йил 11 июндан 16 августгача очиқ аукцион савдоларида сотилган мулклар тўғрисида маълумот.

«Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi»га қарашли 1995 йилда и/ч «УАЗ-31514» р-ли д/р 01/956 WBA бўлган б/б 1 500 000 сўм, с/б 1 800 000 сўмга сотилганлигини билдирамиз. Қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур1-тор кўчаси, 6-уй. Тел:(8595)177-96-74, e.mail: info@auksion.uz.

Гувоҳнома № 005148.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Қарши шаҳар ДСЭНМ бош шифокор ўринбосари Турсун Боймирзаевга ўғли **Бехруз БОЙМИРЗАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ishonch
2014-yil 16-avgust № 99 (3448)

Спорт оламида

Озод элда фараҳли дамлар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Натижаларга кўра, ота, она ва ўғил боладан иборат жамоалар биринчилигида Шовот туманидаги 53-умумтаълим мактабининг хўжалик ишлари бўлими мудири Жўрабек Аҳмедов оиласи зафар қучди. Иккинчи ўрин Бухоро туман тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими фелдшери Феруз Очилов оиласига насиб этди. «Навоийазот» очиқ акционерлик жамияти устаси Бахтилла Жўрақулов оиласи эса учинчи поғонадан жой эгаллади.

Қиз фарзандли оилалардан иборат жамоалар беллашувида шоботлик якка тадбиркор Мамасодиқ Маткаримов оиласига омад кулиб боқди. Иккинчи ва учинчи ўринни Қизилтепа туманидаги 35-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Шомурод Раҳмонов ҳамда Жондор туманидаги 48-умумтаълим мактаби муаллими Анвар Раҳимов оилавий жамоалари эгаллади.

Соғлом бола йилига бағишлаб уюштирилган ушбу мусобақанинг ғолиб ва совриндор жамоалари, шунингдек, «Ғалабага бўлган интилиши юксак оила» учун таъсис этилган совринга лойиқ кўрилган Тахиатош шаҳридаги ГРЭС электриги Қурбанбай Ендирбоев ва «Энг аҳил оила» мақомига лойиқ топилган Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиалининг кафедра ассистенти Байрам Генжемуратов ЎзКУФКнинг медал, диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Жўрабек Аҳмедов (мусобақа ғолиби):

— Турмуш ўртоғим Назокат ва ўғлим Шаҳриёр билан мазкур мусобақанинг вилоят босқичида ғолиб чиққандан сўнг финал босқичига жиддий тайёргарлик кўрдик. Меҳнатларимиз зое кетмади. Бугун яна шоҳсупанинг биринчи поғонасига кўтарилдик. Ишонч ҳосил қилдимки, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланган инсон соғлом, иродали, иши эса баракали бўлар экан.

Феруз Очилов (иккинчи ўрин соҳиби):

— Истиқлол туфайли инсонлар юксак қадр ва эътибор нималигини тушуниб етишди. Мустаҳкам таянчимиз ва суянчимизга айланиб улгурган касаба уюшмалари томонидан уюштирилаётган бугунги мусобақа ҳам ана шу ғамхўрликнинг бир кўриниши, албатта. Биз мусобақалар сабаб қадимий ва ҳамиша навқирон Хоразм диёри билан танишдик, истиқлол йилларида бунёд этилган иморатларни кўриб ҳавасимиз, ҳайратимиз ошди. Маданий тадбирларда фаол иштирок этдик. Оиламизда ҳамма спорт билан шуғулланади. Бу барчамизнинг тетик ва соғлом ҳаёт кечиришимизда муҳим омил бўлмоқда. Оилавий мусобақаларнинг доимий иштирокчисига айланганмиз. Беллашувлар бизга хуш кайфият, ўзгача шукуҳ бағишлайди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири.
Икром ХУДОЙБЕРГАНОВ олган суратлар

Ота ва она саломатлиги соғлом авлод кафолатидир. Ватанимизда истиқлол йилларида ана шу таомилга риоя қилинган ҳолда, фарзандлар соғлиги ҳақида муттасил ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. «Соғлом оила» шиори остидаги спорт мусобақасининг якуний босқичининг яна бири Сирдарё вилоятида ташкил этилди. Вилоятга Тошкент шаҳар, Тошкент, Жиззах вилоятлари ҳамда Авиация ходимлари касаба уюшмаси вакиллари ташриф буюришди.

«Алпомиш»даги беллашув

Беллашувнинг биринчи шарти сифатида меҳмонларга қулай шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

— Қатнашчиларнинг ҳаяжонини тушунамиз. Ахир, ғолибликка бир қадам қолган, — деди вилоят кенгаши бўлим мудири Бахтиёр Ҳайдаров. — Уларни яқинда фойдаланишга топширилган «Олтин водий» меҳмонхонасига жойлаштирдик.

Мусобақа Гулистон шаҳридаги замонавий «Алпомиш» спорт мажмуасида бўлиб ўтди. Кенг ва ёруғ спорт заллари чорлов шиорлари, рангин гуллар билан янада жозибали кўриниш олган. Иштирокчиларнинг белгиланган 8 та шарт бўйича чиқишларини ҳакамлар ҳайъати холисона баҳолаб борди. Якунда Тошкент шаҳридан Валиевлар ҳамда Жиззах вилоятидан Соатовлар оилалари ғолибликни қўлга киритди.

— Мусобақадаги иштирокимиздан мамнунмиз. Унинг кўп жиҳатлари бор. Зеро, ота-оналар доимо фарзандлари нигоҳида кучли бўлиб кўринишлари керак, ана шундагина тарбиялаётган болаларимиз соғлом вужудли, соғлом фикрли бўлиб вояга етади, — деди пойтахтдаги 244-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси Юлдузхон Валиева.

— Очиғи, биз учун ғалаба жуда муҳим эди. Фарзандим ёшликдан кураш билан шуғулланади. Уч карра мамлакат чемпиони ҳам бўлган. Ота-она сифатида биз ҳам ибрат кўрсатишимиз керак эди. Шукурки, юзимиз ёруғ бўлди, — дейди Пахтакор тумани 17-умумтаълим мактаби хўжалик ишлари мудири Рустам Соатов. — Байрам байрамдек бўладиган бўлди. Бунинг учун касаба уюшмаларидан миннатдормиз.

Шунингдек, қатнашчилар турли номинациялар билан ҳам тақдирланди. «Энг аҳил оила» номинацияси сирдарёлик Нодирбек Юлдошев ҳамда Даврон Эгамбердиев бошлиқ оилаларга, «Ғалабага бўлган интилиши юксак оила» номинацияси авиаходимлар вакиллари, тошкентлик Денис Агафуров ҳамда Мурод Ибрагимов оилаларига насиб этди.

Ғолибларни тақдирлаш маросими тантанали тарзда ўтказилди. Унда ЎзКУФК маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси Эътиборхон Раҳмонова, вилоятдан ўз жамоалари билан ташриф буюрган вакиллар қатнашди.

Ўз мухбиримиз

Ҳамжиҳатликка не етсин!

Оилавий спорт мусобақаларининг яна бир финал босқичи кўҳна Самарқандда бўлиб ўтди. Унда жанубий минтақа вилоятларидан келган спортчи оилалар иштирок этди.

Сурхондарёлик ва қашқадарёлик меҳмонлар касаба уюшмалари тасарруфидаги «Нодир Самарқанд» меҳмонхонасида тантанали тарзда кутиб олинди. Шинам, барча қулайликларга эга меҳмонхона спортчи оилалар вакилларига манзур бўлди. Бироз ҳордиқдан сўнг меҳмонхона спорт залида машқларни бошлаб юборган сурхондарёлик Акмал Диёров оиласи аъзолари билан мулоқотда бўлдик.

— Касаба уюшмалари меҳнаткашларга барча имкониятлар яратиб бераётганлигига яна бир карра гувоҳ бўлдик, — дейди оила бошлиғи. — Бу ерда тиниқиб дам олиш, эртанги мусобақаларга қизғин ҳозирлик кўриш имкони мавжуд экан. Спорт залидаги энг замонавий спорт анжомлари ва воситалари болаларимизга жуда манзур бўлаётир. Имкон бўлса, ўз хонадонимизга ҳам ана шундай воситаларни сотиб олишни ният қилиб қўйдик.

Мана, ниҳоят спортчи оилалар учун ҳаяжонли дамлар ҳам етиб келди. Самарқанд давлат университетининг муҳташам спорт залида мусобақанинг очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Спорт анжуманини вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Акбар Қодиров очди. СамДУ бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Шавкат Махматмуродов иштирокчиларга муваффақият тилади.

Ҳакам ҳуштаги чалиниб, баҳслар қизғин тус олди. Ота, она, фарзанд ҳамжиҳатликда майдонда жон куйдирди. Бу саломатлик йўлида оилавий интилиш. Қанча олқишласак, шунча кам.

«Чаққонлик ва мерганлик» эстафетаси қизғин баҳсларга бой бўлди. Коптокни ўзига бўйсундириш, мўлжални нишонга олишда ҳам адашишлар бўлмади.

Мусобақанинг энг қизғин баҳслари «Қаддимизни ростлаймиз, сакрашни бошлаймиз» дея номланган шарти бўлди десак, адашмаймиз. Ҳар учала вилоят вакиллари ортда қолмасликка астойдил ҳаракат қилишди.

Якунда сурхондарёлик Одил Чориев, самарқандлик Асатулло Пўлатов оилалари биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Иккинчи ўрин самарқандлик Машраб Нуриддинов, Одил Чориев оилаларига насиб этди. Кейинги ўринни қашқадарёлик Икром Ғуломов, Баҳодир Норқулов оилалари эгаллади. Ғолиблар ЎзКУФК томонидан қимматбаҳо совринлар билан тақдирланди.

— Ушбу мусобақа оиламиз аъзолари ёдидан умрбод чиқмаса керак, — дейди сурхондарёлик Одил Чориев. — Негаки, оилам билан бир неча кун қадимий Самарқандда бўлдик. Ҳали бундай имконият бўлмаганди. Тўғри, ўзим кўп шаҳарларда бўлганман. Аммо оилам уйда қоларди. Ҳаммамиз биргаликда завқ оляпмиз.

— Самарқанддаги ўзгаришлар барча қатори бизни ҳам ҳайратга солмоқда. — деди қашқадарёлик Гавҳарой Дониёрова. — Мусобақа баҳона турли вилоятларда яшовчи юртдошларимиз билан танишдик. Оилавий дўстлик ришталари боғланди. Спорт одамларни бир-бирига яқинлаштиради, дея бежизга айтишмайди.

ЎзА сурати

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Саломатлик — бебаҳо хазина. Меҳнат жамоаларидаги соғломликнинг эса ижтимоий қиймати янада юқори. Зеро, спорт билан мунтазам шуғулланишнинг ҳикмати катта. Шуни ҳисобга олган ҳолда касаба уюшмалари турли мусобақалар ўтказилиши, спорт иншоотлари қурилишида ташаббускор бўлмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, спорт билан шуғулланиш оммавийлик касб этиб, бу борада оилавий мусобақалар муҳим ўрин тутмоқда.

Кўнгил чопгани яхши

«Баркамол авлод» спорт мажмуаси шу куни Фарғона водийси вилоятлари шарафини ҳимоя қилувчи оилалар ҳамда уларни қўллаб-қувватловчилар учун бағрини очди.

— Ҳар бир бошланғичда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ходимларни спортга жалб этиш борасида қатор ишлар амалга оширилди, — дея таъкидлади Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси З.Маҳкамова. — Бундан кўзланган мақсад ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда соғлом оилани шакллантиришга муносиб ҳисса қўшишдир.

Кутилганидек, баҳслар жуда қизғин кечди. Ҳар бир иштирок малакали ҳакамлар томонидан холисона баҳолаб борилди. Буни қарангки, ўғил фарзанди билан қатнашган оилалар ўртасида биринчи ва иккинчи ўринлар бир йўла икки Аҳмедовлар оиласига (Андижон ва Наманган), 3-ўрин Ҳаққуловлар (Фарғона) оиласига насиб этди.

Қиз болали оилалар баҳсларида эса ғолиблик Жўраевлар (Наманган) биринчи бўлишди. Шоҳсупанинг навбатдаги поғоналари Турғуновлар (Андижон) ҳамда Марасуловлар (Фарғона)га насиб этди.

— Бутун дунёда эътироф этилган бир шиор мавжуд: «Соғлом она — соғлом бола», — дейди Қўштепа туманидаги 6-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Озода Мадғозиева. — Бу тамойилни таълим тизимига татбиқ этишда бирозгина ўзгартириш ҳам мумкин: «Соғлом ўқитувчи — қизиқарли дарс». Танаси соғ, руҳи тетик ўқитувчигина болага мукаммал билим ва тарбия бера олади. Шу олтин қоидага амал қилиб, ҳар доим спорт билан шуғулланишга ҳаракат қиламиз. Бу фикр оиламизда ҳам ҳукмрон. Турмуш ўртоғим ҳамда қизим Муштарий билан баҳсларда муносиб иштирок этдик. Аммо спортда кучлиларгина ғолиб бўлади. Рақибларимизни муносиб ғалаба билан табриклаймиз.

— Оиламиз доимий равишда спорт билан шуғулланади, — дейди андижонлик Зулфира Охунова. — Хонадонимиз соҳиби Музаффаржон Аҳмедов Қўрғонтепа туманидаги 35-умумтаълим мактабида жисмоний тарбия фанидан дарс беради. Ўзим волейбол, ўғлим қўл тўпига жуда қизиқамиз. Вилоят босқичида ҳам оилавий баҳслар қийин кечганди. Аммо бугунги рақиблар аввалгилардан ҳам яхши тайёргарлик кўргани сезилиб турди. Қисқаси, биринчиликка эришиш осон бўлмади.

— Кураш асносида анчагина ҳаяжонландик, — дейди Наманган вилояти ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ишчиси Музаффар Жўраев. — Чунки оилавий рақибларнинг барчаси кучли тайёргарлик кўрган экан. Бу — мусобақага бўлган қизиқиш ва эътибордан. Турмуш ўртоғим Азиза Жўраева Наманган вилояти ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари, қизим Мухлиса Мамажонова Учқўрғон туманидаги 1-мактаб ўқувчиси. Бугун улар билан бир ёқадан бош чиқариб, устунликка эришдик. Бундан жуда хурсандмиз. Тадбирда иштирок этган ҳар бир болажонга алоҳида совға сифатида китоб улашилгани, айниқса, унутилмас воқеа бўлди.

Спортга ошно бўлинг, ҳамиша соғлом бўласиз!

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси

«REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2014 йил 3 сентябр куни соат 11-00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 07.01.2014 йилдаги 10-1316/11301-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган Тошкент шаҳар «KASPI» масъулияти чекланган жамияти тугатиш бошқарувчисининг 13.08.2014 йилдаги 130-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги бошланғич баҳоси 320 502 000 (Уч юз йигирма миллион беш юз икки минг) сўм бўлган Тошкент вилояти Қибрай тумани, Матқабулов Қ.Ф.Й., Дўрман қишлоғи манзилида жойлашган умумий ер майдони 0,8467 га, қурилиш майдони 678,82 кв.метрдан иборат бино ва иншоотлари такроран қўйилмоқда.

Талабгорлар диққатига.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2014 йил 2 сентябр кунига қадар соат 10-00 дан 16-00 га қадар қабул қилинади. (13-00 дан 14-00 гача тушлик).

Аукцион савдоси ғолибига 10 кун муддатда олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйҳатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ, х/р: 20208000700234536001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 207186573, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Аукцион ташкилотчиси — «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ.

Тошкент шаҳар Буюк Турон кўчаси 41-уй. Лицензия RR 0170, тел: 8 371 233-21-18.

Интернетдаги манзилимиз:
www.rcg.uz e-mail:
rc.group@inbox.ru.
Хизматлар лицензияланган.

«Farg'ona mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Фарғона «Шифо Тез Ёрдам» автокорхонасининг 15.08.2014 йилдаги 97-сонли хатига асосан, Фарғона шаҳар Табобат кўчаси, 24-уй манзилида сақланаётган «ВАЗ-2121» русумли, давлат рақами 40 874 QAA, 1990 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 1 305 000 сўм.**

Савдо 2014 йил 17 сентябр куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 15 сентябр соат 17:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖнинг АТ «Халқ банки» Фарғона вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО: 00497, СТИР: 302134194, Х/Р: 20208000704943063001.

Савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳар, Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй. Тел: 8-373-244-43-58. www.rmm.uz. Гувоҳнома 1177.

Хизматлар лицензияланган.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: A.Arslonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -20.40
Topshirildi - 21.40

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 815 | 13970 nusxada bosildi | 1 3 4 5